



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№49 (1002)

2026 йил 3 июль, жума

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,  
ягона халқ  
бўлиб,  
янги ҳаёт  
ва келажак  
яратамиз!

## “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги Қонун: мулкдор сифатида ҳуқуқларингизни биласизми?

Яқин-яқингача халқ тилида “снос” (бузилиш) деган сўз қулоғимизга чалинганда, кўпчиликнинг кўз олдига асаббузарликлар, мулкдорлар ва қурувчилар ўртасидаги битмас-туганмас низолар, тўланмай қолган ёки адолатсиз баҳоланган компенсациялар ва ойлар давомида сарсон бўлиб судма-суд юрган фуқаролар келар эди. Жамиятда хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг ҳимояси бўйича ўнлаб саволлар очик қолаётган, муносабатлар асосан ҳукуматнинг тегишли қарорлари ёки вақтинчалик низолари билан тартибга солиб келинаётган эди. Ушбу тизимсизликка ва ҳуқуқий бўшлиқларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 10 июндаги ЎРҚ-1149-сонли “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мазкур ҳужжат расмий эълон қилинган санадан бошлаб 6 ой ўтиб, яъни 2026 йил 12 декабрдан эътиборан тўлиқ қонуний кучга киради. Бу шунчаки навбатдаги қонун ҳужжати эмас, балки мамлакатимиз уй-жой фондини янгилаш, шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш ва энг муҳими – хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини энг юқори даражада ҳимоя қилишга қаратилган фундаментал ҳуқуқий қалқондир.

### “Снос” тушунчасининг туғатилиши ва реновациянинг ҳуқуқий табиати

Кўпчилик ҳали ҳам “реновация” атамасини “снос” сўзининг замонавий муқобили деб ўйлайди ва эскирган психологик қўрқувлар таъсирида унга шубҳа билан қарайди. Бироқ юридик нуқтаи назардан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам бу икки тушунча ўртасида ер билан осмонча фарқ



бор. Муқаддам ер участкалари ва уйлар асосан “давлат ва жамоат эҳтиёжлари” деган ўта умумий, баъзан эса кенг талқин қилинадиган ибора остида олиб қўйиларди. Кўп ҳолларда хусусий инвестициявий лойиҳалар, тижорий қурилиш ташкилотларининг кўп қаватли уйлар қуриш режалари ҳам давлат эҳтиёжига тенглаштирилиб, фуқароларнинг муносиб уйлари мажбурий тартибда бузилишга тушиб кетарди.

Жараёнда мулкдорнинг хоҳиш-иродаси, унинг ўз уйи, маҳалласига бўлган ижтимо-

ий-руҳий боғлиқлиги деярли инобатга олинмасди ва бу ҳолат оммавий норозиликларга сабаб бўларди. Янги қонун бу амалиётта буткул барҳам беришни кутилмоқда. Шаҳарсозлик реновацияси – уйлари ёппасига бузиб, ўрнига баланд бинолар тиклаш эмас. Бу – муайян ҳудудни меъморий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан мувозанатли тарзда яхшилаш, аҳоли учун хавфсиз, энергия тежамкор ва ҳар томонлама шинам яшаш муҳитини яратишга қаратилган яхлит ва тизимли давлат сиёсатидир.

Энг муҳими, янги Қонуннинг 1-моддасидаёқ унинг амал қилиши ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва хусусий мулкни қайта сотиб олиш тартиб-таомилларида татбиқ этилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Демак, эндиликда ҳеч қайси ҳокимият ёки қурувчи “бу ерда давлат дастури бўлганди, шунинг учун уйингизни бўшашиб бериш” деб сизнинг уйингизни мажбуран тортиб ололмайди ёки сизни шартнома имзолашга мажбурлай олмайди.

3 →

### Муносабат



## Қурилиш материаллари саноати юқори босқичга олиб чиқилади

Куни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш ва тармоқнинг иқтисодийётадаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда келгуси йиллардаги устувор вазибалар атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар ва белгилаб берилган топшириқлар нафақат қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари, балки бутун қурилиш мажмуаси олдига янги масъулият ва имкониятлар эшигини очмоқда.

Шерзод ХИДОЯТОВ,  
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги  
вазир.

Бугунги кунда қурилиш мамлакат иқтисодиётининг энг фаол ва энг тез ривожланаётган тармоқларидан бири. Сўнгги йилларда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, замонавий уй-жойлар, саноат корхоналари, ижтимоий соҳа инфратузилма объектлари ва янги шаҳарлар барпо этилиши қурилиш материалларига талабни кескин оширди. Натижада қурилиш материаллари саноати эндиликда оддий ишлаб чиқариш тармоғи эмас, балки иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверига айланмоқда.

Президентимиз йиғилишда таъкидлаганидек, бундан 10 йил аввал мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари асортименти анча чекланган эди. Асосан гишт, цемент, қум-шағал, ойна ва шифер каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилар, улар қурилишда фойдаланиладиган материалларнинг атиги 30-40 фоизини қамраб оларди. Бугунги кунга келиб эса вазият тубдан ўзгарди. Соҳага 12 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилиниб, 4 мингдан зиёд замонавий корхона ташкил этилди. Натижада цемент, базальт, газоблок, керамик буюмлар, қуруқ қурилиш қоришмалари, энергия тежамкор материаллар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар бўйича ички талабни тўлиқ қоплайдиган қувватлар яратилди.

2 →

## Фахрий унвон таъсис этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади – коммунал хўжалиги ходимларининг кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатини эътироф этиш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада юқори касбий маданият, масъулият ва фидойиликни рағбатлантиришдан иборат.

Ҳужжат билан “Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим” фахрий унвони негизида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвони таъсис этилмоқда.

Вазир ўринбосари Озода Жўраева қайд этганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳадаги ходимларнинг касбий фаолиятини муносиб қўллаб-қувватлаш, ёш ва малакали кадрларни соҳага жалб этиш имкониятларини



кенгайтириш ҳамда коммунал хўжалиги тизимида хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида, қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга оборилди.

Ўз мухбиримиз.

## Фидойилик ва профессионаллик эътирофи

Ҳар қандай соҳанинг муваффақияти ва истиқболи унинг пойдеворида турган малакали мутахассислар ҳамда ўз касбига садоқатли инсонларнинг хизмати билан ўлчанади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари саройида ўтказилган тантанали маросим ҳам ана шундай кўп йиллик фидокорона меҳнатларнинг юксак эътирофи бўлди.

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида узоқ вақт самарали фаолият юритиб келаётган икки нафар уста-меъмор ва муҳандиснинг “Меҳнат фахрийси” кўрак нишони билан тақдирланиши соҳа ходимлари учун катта ғурур ҳамда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор намунасидир.

Бу нуфусли мукофот шунчаки унвон эмас, балки мамлакатимиз шаҳарсозлиги, қурилиш меъёрлари ва миллий стандартларини шакллантириш йўлида сарфланган заҳматли меҳнатнинг адолатли меъасидир. Зеро ҳар иккала мутахассиснинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ушбу мукофотнинг нақадар тўғри ва муносиб берилганини яққол исботлайди.

Тақдирланганлар қаторидан жой олган Шухратходжа Хашимов – ўз умрини шаҳарсозлик ва лойиҳалаштириш ишларига бағишлаган жонқуяр мутахассис. 42 йиллик тажрибага эга малакали мутахассис бугунги кунда



“O'zshaharsozlik LITI” давлат муассасасининг Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда. У шаҳарсозлик соҳасининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва янгилашда улкан ишларни амалга оширган. Хусусан, 2019–2021 йиллар давомида жами 321 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан, 115 та бош режа ҳамда 91 та батафсил режалаштириш лойиҳасининг ишлаб чиқилишига бевосита бош-қош бўлди.

Шунингдек, унинг раҳбарлигида миллий норматив ҳужжатларни шакллантириш доирасида 60 та норматив, жумладан, 30 та давлат қурилиш стандарти ва 30 та қурилиш нормалари ҳамда қоидалари халқаро консўлтантлар иштирокида қайта кўриб чиқилди. Фахрий мутахассис йирик лойиҳаларни бошқариш билан бирга, ёш авлодга ўстозлик қилиб, бугунги кунда юртимиз бунёдкорлигида фаол қатнашаётган кўплаб кадрлар заҳирасини етиштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Мукофотга лойиқ кўрилган соҳанинг яна бир фидойи ходими – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти” давлат муассасаси бош мутахассиси Наталья Зайцевадир. 1983 йилда Тошкент политехника институтини муҳандис-технолог-қурувчи мутахассислиги бўйича тамомлаган Наталья Зайцева ўз меҳнат фаолиятини 1977 йилда оддий омбор мудиригидан бошлаган эди. Кейинчалик у муҳандислик, иқтисодчилик ва етакчи мутахассислик каби профессионал ўсиш босқичларини муваффақиятли босиб ўтди.

Наталья Зайцева узоқ йиллар давомида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Қурилиш вазирлигида Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар бошқармаси бош мутахассиси бўлиб ишлаган. Шунингдек, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлигида мамлакатимиз шаҳарларини ва агломерацияларини ривожлантириш жараёналарида фаол иштирок этди. Муқаддам “Мустақилликнинг 20 йиллиги” ҳамда “Мустақилликнинг 25 йиллиги” кўрак нишонлари билан тақдирланган ушбу мутахассис бугунги кунда ҳам институтда бош мутахассис сифатида қурилишдаги техник меъёрларни амалиётга жорий этишда ўзининг бой тажрибасини аямай келмоқда.

Шухратходжа Хашимов ва Наталья Зайцеванинг “Меҳнат фахрийси” кўрак нишони билан тақдирланиши – йиллар давомида тўқилган пешона тери, касбий маҳорат ва ҳалолликка берилган муносиб баҳодир. Бундай юқори малакали профессионалларнинг меҳнати эътироф этилиши соҳадаги ёш мутахассислар учун улкан мотивация ҳамда намуна бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фахрийларимизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва мазмунли умр, оилавий хотиржамлик ва бошлаган хайрли ишларида ҳаммиша барака ёр бўлишини тилаймиз!

uzbunyodkor.uz  
info@uzbunyodkor.uz  
uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkor  
qurilish.today







